

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

*Кўлёзма ҳуқуқида*

*УДК: 657.5:658(575.11)*

**Умурзакова Гўзал Абдували кизи**

**АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА МАҲСУЛОТНИ СОТИШДАН  
ОЛИНГАН ДАРОМАДНИНГ ТАН ОЛИШ УСУЛЛАРИ ВА  
ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
(ЧЭИИ “Тошкентвино комбинати” акциядорлик жамияти мисолида)**

**Мутахассислик: 5A230901—«Бухгалтерия ҳисоби» (тармоқлар ва  
соҳалар бўйича)**

**Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган  
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: проф. Ш.Т.Эргашева**

**Тошкент- 2018**


Мазкур магистрлик диссертация ишида иктисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш шароитида акциядорлик жамиятларида даромадларни шаклланиши, жумладан маҳсулотни сотишдан олинган даромаднинг тан олиншининг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ қилинган ҳамда уларни янада ривожлантириш мақсадида илмий таклиф ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

In this dissertation, the dissertation has been developed in the context of further development and liberalization of the economy through the formation of income in joint-stock companies, including the features of recognizing earnings from product sales, and developing scientific recommendations and practical recommendations for their further development.

Магистрлик диссертация иши “Бухгалтерия ҳисоби” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган:

« 10 » - сонли баённома « 15 » май 2018 йил.


Илмий раҳбар: проф. Эргашева Ш.Т.

  
имзо

16.06.2018  
сана

Магистр:

Умурзокова Г.А.

  
имзо

16.06.2018  
сана

## МУНДАРИЖА

Кириш .....	4
<b>1-боб. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида акциядорлик жамиятларида даромадларни тан олиш ва ҳисобини юритишнинг назарий асослари .....</b>	<b>9</b>
1.1. Хўжалик юритувчи субъектларида даромадлар ва харажатлар ҳисобини ташкил этишнинг назарий асослари .....	9
1.2. Акциядорлик жамиятларида даромадларни шаклланиши ва уларни тан олиш мезонлари .....	15
1.3. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида сотилган маҳсулотларни тан олиш усуллари халқаро меъёрий-ҳуқуқий асослари .....	23
1-боб бўйича хулоса .....	31
<b>2-боб. Акциядорлик жамиятларида даромадларни тан олиш ва уларнинг ҳисобини юритишнинг амалдаги ҳолати .....</b>	<b>33</b>
2.1. Акциядорлик жамиятларида даромадлар ҳисобини ташкил тишнинг ўзига хос хусусиятлари .....	33
2.2. Акциядорлик жамиятларида маҳсулот сотишдан олинган даромадларни тан олиш ва ҳисобининг амалий жиҳатлари .....	40
2.3. Акциядорлик жамиятларида асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари ҳисобини ташкил қилишнинг амалдаги ҳолати .....	45
2-боб бўйича хулоса .....	53
<b>3-боб. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида сотишдан олинган даромадларни тан олишнинг ҳориж тажрибаси ва уларнинг ҳисобини такомиллаштириш йўллари .....</b>	<b>55</b>
3.1. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида сотилган маҳсулотлардан олинган даромадларни тан олишнинг ҳориж тажрибаси .....	55
3.2. Акциядорлик жамиятларида даромадлар ҳисобини такомиллаштириш йўналишлари .....	61
3-боб бўйича хулоса .....	73
<b>Хулоса ва таклифлар .....</b>	<b>75</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....</b>	<b>78</b>

## Кириш

**Мавзунинг асосланиши ва унинг долзарблиги.** Ўзбекистон Республикаси бозор иқтисодиётига ўтиши ва фаол равишда ташқи иқтисодий фаолиятни олиб бориши хўжалик юритувчи субъектларнинг олдига бир қанча янги вазифаларни қўймоқда. Жумладан, давлатлараро иқтисодий муносабатларнинг кенгайиши бухгалтерия ҳисоби зиммасига иқтисодий ахборот билан таъминлаш усулларининг умумийлигини таъминлаш заруриятини туғдиради.

Кейинги йилларда янгича модели, янгича услуб ва йўналишлари асосида мустақил суверен давлатимизнинг ривожланишнинг асосий йўналишлари белгилаб олинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ташаббуси билан “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг қабул қилиниши мамлакат тараққиётининг янги босқичини бошлаб берди. Ушбу қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясининг “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари”да белгиланганидек, “юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш”<sup>1</sup> йўналиши бўйича белгиланган устувор вазифаларни бажариш орқали ушбу соҳани янада ривожланишига эришиш мумкин.

Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаб ўтганларидек, “2017 йилда иқтисодиёт соҳасида замон талабларига жавоб берадиган, янгича маъно-мазмундаги ва самарали ислохотларни амалга ошириш йўлида биринчи қадамларни қўйдик.

Иқтисодиётимизни мутлақо янги асосда ташкил этиш ва янада эркинлаштириш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ишлаб

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.